



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

РЎЗНОМА 1928 ИИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИКА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ,
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

• 1991 йил 31 август • шанба
№ 169 (10.165). Баҳоси 10 тийин.

• Эртага 1 сентябрь—Билимлар кунини •



НАВОЙХОНЛИК БИЛАН БОШЛАНАДИ

Янги ўқув йилини ҳамisha ҳам соғиниб кутамиз. Ҳали бўёқ ҳиди уфуриб турган синфлар файзга, шодликка, мусаффо кудгуга тўлади. Кейин дилларни нурафшон этган бу нафис ҳислар тўлиқига биринчи кўнги-роқнинг жарангдор оҳанги кўшилади. У дарсларга даъват этади.

Қадрдон мактаблардаги бу йилги биринчи сабоқлар навоийхонликка бағишланади. Синфларда мутафаккир бобомизнинг ҳаёт йўли ҳақида, дурдона асарлари борасида муаллимлар суҳбат қуриб берадилар. Кейин буюк даҳонинг муқаддас қаламига мансуб ғазаллар янграйди. Ўқувчилар бир умр нисонийликни, адолатпарварликни, меҳру муруватни, садоқатни мадҳ этган аллома устоз ҳақида билганларини бир-бирларига сўзлайдилар.


Бундай машғулотлар замонавий мактабларда ҳам, ҳали қиёфасини ўзгартирмаган, ночор ўқув даргоҳларида ҳам бирдек масъулият билан ўтиши керак. Бу — кун талабидир. Қолаверса, навоийхонлик машғулотлари мактабларни миллийлаштириш йўлидаги биринчи дадил қадамдир.

Бу йил вилоятимизда 829 та мактаб ўқувчиларга бағрини очмоқда. Ўқув даргоҳларининг янги услубларида биргалай ўзгаришлар мавжудлиги кишини қувонтиради. Энди мактабларда табақалаштириб ўқитиш, аълочи ўқувчиларни рағбатлантириш, молиявий мустақилликка ўтган бир қатор ўқув даргоҳларида фидойи муаллимларнинг ойлигига қўшимча ҳақ тўлаш сингари куртаклар қанот ёза бошлади.

Ҳаммадан ҳам эътиборга лойиқ бўлаётгани ўқитувчи обрусини орттириш йўлидаги ҳаракатлардир. Муаллимлар эришган имтиёзлар ҳақида бирма-бир тўхталмоқчи эмасмиз. Улар тўғрисида ёзилди. Энди ёшларни Шарқда қадим-қадимлардан урф-одат бўлган катталарга ва мураббийга беқиёс эҳтиром руҳида тарбиялаш устида гап бормоқда. Биз олижаноб ва машаққатли ишларида устозларга сабот ва омад тилаймиз. Байрамингиз муборак бўлсин, азиз муаллимлар ва ўқувчилар!

• БУТУН мамлакатда рўй берган иқтисодий таълимка қарамасдан, халқ таълимини ривожлантиришга эътиборни кучайтираётган Янгийўл район халқ таълими бўлими бу ўқув йилида ҳам ўқувчиларни хушнуд этди. Районда 39-ўрта мактаб учун янги бино қуриб берилди. СУРАТДА: мактаб биносининг умумий кўриниши.

Сураткаш В. ТўРАЕВ.



СССР Олий Кенгашининг қарори

СССР ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИГА ИШОНЧСИЗЛИК ҲАҚИДА

СССР Олий Кенгаши СССР Президентининг «СССР Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида» чиқарган ва СССР Вазирлар Маҳкамасига ишонч тўғрисидаги масала қўйилган 1991 йил 24 август Фармонини кўриб чиқиб, СССР Конституциясининг 130-моддасига биноан қарор қилади:

1. СССР Вазирлар Маҳкамасига ишончсизлик билдирилсин.

2. СССР Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби тузилгунга қадар мамлакат халқ хўжалигини республикалар билан биргаликда оператив бошқаришни уюштириш учун ўртоқ И. С. Силаев бошчилигида СССР халқ хўжалигини оператив бошқариш комитети тузилсин.

СССР ОЛИЙ КЕНГАШИ.

Москва, Кремль.
1991 йил 28 август.

СССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОПИ

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТИ А. И. ЛУКЬЯНОВНИ ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИШ ВА ҚАМОҚҚА ОЛИШГА РОЗИЛИК БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Кенгаши қарор қилади:

«СССР халқ депутатининг мақоми тўғрисида»ги СССР Қонунининг 34-моддасига мувофиқ СССР халқ депутати Анатолий Иванович Лукьяновни жиноий жавобгарликка тортиш ва қамоққа олишга розилик берилсин.

СССР ОЛИЙ КЕНГАШИ.
Москва, Кремль.
1991 йил 29 август.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КОМИТЕТИ ВА ВИЛОЯТ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ НАЗОРАТ КОМИССИЯСИНИНГ ҚЎШМА ПЛЕНУМИ ҲАҚИДА

АХБОРОТ

КЕЧА Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитети ва вилоят партия ташкилоти назорат комиссиясининг қўшма пленуми бўлиб ўтди. Пленумда навбатдан ташқари XXV Тошкент вилоят партия конференциясини чақириш ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси С. Д. Сайдалиев ахборот билан чиқди.

Пленумда Калинин район партия комитетининг биринчи котиби Ж. Ж. Маликов, Ангрен шаҳридаги 9-шахта мастери С. Д. Саъдуллаев, Ғалаба районидagi «Заря коммунизма» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Р. Пан, Оққўрғон районидagi 11-ўрта мактаб ўқитувчиси Г. С. Фазлиева, «Ҳаёт ва иқтисод» — «Жизнь и экономика» ойнамаси бош муҳаррири И. М. Хушев, вилоят гражданлар мудоааси штаби бошлиғи Р. У. Аҳмедов, Тошкент Давлат деҳқончилик дорилфунуни ректори Э. Т. Шайхов сўзга чиқдилар.

Навбатдан ташқари XXV Тошкент вилоят партия конференциясини 1991 йил 10 сентябрь кунини чақириш ҳақида қарор қабул қилинди. Конференция кун тартиби тасдиқланди.

Навбатдан ташқари XXV вилоят партия конференцияси вакиллик меъёри белгиланди (200 партия аъзосидан бир делегат). Делегатларни сайлаш тартиби ва вилоят партия конференциясига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ ташкилий тадбирларни ўтказиш муддатлари белгилаб олинди.

СССР Олий Кенгашининг қарори

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ БЕШИНЧИ СЪЕЗДИ КҮН ТАРТИБИГА КИРИТИШ УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР ТЎҒРИСИДА


СССР Олий Кенгаши қарор қилади:
СССР халқ депутатлари навбатдан ташқари бешинчи съездида муҳокама қилиш учун қуйидаги масалаларни киритиш тавсия этилсин:

1. Мамлакатдаги сиёсий вазият ва давлат тўнтарини оқибатларини бартараф этиш соҳасидаги долзарб тадбирлар тўғрисида (СССР Президенти М. С. Горбачев маърузаси).
2. СССР Олий Кенгашининг Раиси ҳақида.
3. СССР вице-президенти тўғрисида.
4. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари Декларацияси ҳақида.
5. Литва республикаси, Латвия республикаси ва Эстония республикасининг уларнинг мустақиллиги ҳақидаги Декларацияларини тан олиш тўғрисидаги мурожаатлари ҳақида.
6. СССР Олий Кенгаши таркибини янгилаш тўғрисида.
7. СССР Конституциясига ва ССР Иттифоқининг бошқа қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш ҳақида.
8. СССР Бош прокурори тўғрисида.
9. СССР халқ депутатлари Съездининг мандат комиссияси раиси ҳақида.

СССР ОЛИЙ КЕНГАШИ.

Москва, Кремль.
1991 йил 29 август.

• ҲОСИЛ—91 •



● Янгийўлдаги Ф. Носиров номи пахта тозалаш заводи ишчи-хизматчилари оғор, мавжуд техника турларини пахта қабул қилишга тахт қилиб қўйдилар. СУРАТЛАРДА: (чапдан ўнга) йиғувчилар Расул Имомов, Усмон Тўлаганов, Эргаш Раҳимбердиев (тайёрлов бўйича директор муовини), Нодир Расулов, Аҳмадjon Мамажонов; техника тайёр.

Сураткаш В. ТУРАЕВ.

ЙИҒИМ-ТЕРИМГА КИМ ҚАНДАЙ ТАЙЁРГАРЛИК КЎРМОҚДА?

ВИЛОЯТ ПАХТАКОРЛАР КЕНГАШИНИНГ ФАОЛЛАР, ХУЖАЛИК РАҲБАРЛАРИ, МУТАХАССИСЛАР ИШТИРОКИДА УТКАЗИЛГАН МАСЛАҲАТ ЙИҒИЛИШИДАН

БУ ЙИЛ вилоятимизда 124 минг 200 гектар майдонда пахта етиштирилмоқда. Асосан беш хил навдаги уруғлик экилган. Шундан 82 минг гектар майдонда эса пахтанинг 65-24 нави ўстирилмоқда.

Деҳқонларимиз фидокорона меҳнат қилдилар. Ҳар гектар ерда 93 минг тупдан гўза сақлаб қолинди. Ҳозирги кунда ҳар туп гўзада ўртача 9 тадан кўсак бор.

Етиштирилаётган ҳосил режани бемалол бажариш имкониятини беради. Лекин бунинг учун эса йиғим-терим ишларини ниҳоятда уюшқоқлик билан ўтказиш талаб этилади. Шу мақсадда қатор тадбирларни амалга ошириш керак бўлади. Энг муҳими машина терими билан боғлиқ ишлар бекаму-кўст бажарилиши шарт. Гўза баргини тўқтиришни маромида, сифатли ўтказиш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Бунинг учун бизда имконият ҳам бор, тажриба ҳам бор. Ундан фойдалана билиш керак. Об-ҳавочиларнинг айтишига қараганда сентябрь ойининг биринчи ва иккинчи ўн кунлигида ҳарорат бирмунча иссиқ бўлиши кутиляпти. Учинчи ўн кунликдан бошлаб эса кунлар кескин совиб кетиши мумкин. Бундан чиқадиган хулоса шуки, йиғим-теримга тайёргарлик билан боғлиқ ишларни шу йиғирма кун мобайнида бекаму-кўст амалга ошириш талаб этилади. Ҳўш, вилоятимизда бу соҳада қандай тадбирлар кўрилмоқда? Пахта йиғим-теримига тайёргарлик ишлари қай йўсинда амалга ошириляпти? Қандай кам-кустимиз бор?

Ғалаба районидagi «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» шўро хўжалигида бўлиб ўтган вилоят пахтакорлар кенгашининг фаоллар, хўжалик раҳбарлари, мутахассислар иштирокидаги маслаҳат йиғилишида ана шу масала атрофида муҳокама қилинди.

Йиғилишда вилоят пахтакорлар кенгашининг раиси, ўрта Чирчиқ ноҳиясидаги Охунбобоев номи колхоз

раиси Миразиз РЎЗИМАТОВ очди.

Шундан кейин ўзаро фикр алмашиш бошланди.

— Ҳар ҳолда бу йилги ишларимиздан нолимасак бўлади, — деди Янгийўл ноҳиясидаги «Коммунизм» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маҳмуд ИСМАТОВ. — Гўзанинг ривожини дуруст. Бирок, айтиш керакки, у ҳали ўзига керакли иссиқни ололмади. Лекин июль ойи ва август ойининг ярмида ҳароратнинг кўтарилганлиги аини мудоао бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу йил гўзани ровлатиб юбормадик. Бу катта аҳамиятга эгадир.

Сўнгра у гўза баргини тўқитиш соҳасидаги мулоҳазалари, тажрибалари билан ўртоқлашди. Биз асосан хлорат магнийдан фойдаланамиз. Лекин уни билиб ишлаши мумкин. Гўзанинг ўзи айтиди, қачон дори сепишликни. Ранги сарғайиб, айни бошлайди. Агар ҳар бир туп гўзада учтадан кам кўсак очилган бўлса, дефоляцияга киришиш керак эмас. Шуни ҳам унутмайлик. Бир далада ҳар хил гўза бўлиши мумкин. Ерининг намлик даражаси ҳам меъёрида бўлишини таъминлаш керак. Бизнинг кузатишимиз ва тажрибаларимиз шуни кўрсатадики, кўсакларнинг кам деганда 60 фонзи очилганда дори пуркашга киришилса, натижа яхши бўлади. Пуркашда ишлатиладиган аралашманинг нормасига қатъий амал қилайлик. Бунда ҳам гўзанинг ҳолати ҳисобга олинади. Пахтани обдон пишириб, теримга тушсаккина сифатли тола олишга эришамиз.

Ғалаба ноҳия партиясининг биринчи котиби, халқ депутатлари ноҳия Кенгаши раиси Рустам КАРИМОВ бу йил ҳам хўжаликларда асосий ҳосил машиналарда териб олинади, деди ва бу соҳада қандай ишлар қилинаётганлиги ҳақида сўзлаб берди. Бу йил кам деганда 40 минг 600 тонна пахта машинада терилади. Дала-

ларда ишлайдиган ҳар бир машинанинг унуми 100 тоннадан кам бўлмайди. Биринчи теримда ҳар гектаридан камида 24—25 центнердан, иккинчи теримда 4—5 центнердан ҳосил олиш асосий вазифа қилиб қўйилган. Гўза баргини тўқитиш билан боғлиқ ишлар ва тадбирлар шу мақсадга бўйсундирилади. Далада ишловчилар ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилинади. Уч маҳал иссиқ овқат тайёрланади. Уларга рағбатлантирилган ҳақ тўланади.

Оққўрғон ноҳиясидаги «Оққўрғон» шўро хўжалиги директори О. ҚОВШУТОВ ҳам бу йилги шароитда ҳар бир ишни шошилмасдан, пухта қилиб амалга ошириш муҳим эканлигини алоҳида қайд қилди.

Коммунистик районидagi Свердлов номи колхоз раиси Абдумажид МАШАХАНОВ қуйидагиларни айтди: бизнинг экин майдонларимизда сизот сувлар юза. Шунинг учун ҳозиргача бор-йўғи икки ярим марта сув қўйдик. Айни кунларда ўқ ариқлар текислашиб гўза бегона ўтлардан тозаланмоқда. Махсус комиссия тузганимиз. Бу комиссия далада-дала юриб, экинларнинг ривожини, карталарнинг машина теримига тайёргарлигини кўздан кечирипти. Келишиб олдик. Кўсакларнинг кам деганда 60 фонзи очилганда гўза баргини тўқитишга киришилади. Бу тахминан 7—10 сентябрларга тўғри келади. Ана шу пайтда ҳар туп гўзада кам деганда 4,5—5 тадан кўсак очилган бўлади. Пуркашда ишлатиладиган аралашма маркашлантирилган ҳолда тайёрлашни тарқатгилди. 6 та ОВХ—28 аппаратлари тахт. Биз дефоляцияни узоғи билан 18 сентябргача тугаллаймиз. Барг яхши тўқилади, деб ишонамиз. 25—27 сентябрдан бошлаб машина теримига тушишимиз мумкин. 45 та агрегат тахт ҳолда турипти. Ҳар бир машинага ўрача 33—35 гектар ер майдони тўғри келади. Бир гектар майдондаги гўза баргини тўқитиш учун дори-

сепган механизаторга 3 сўмдан ҳақ тўланади. Агар бир механизатор бир кунда ўртача 20 гектар ерга дори сепса демак, у 60 сўм ҳақ олади. Бундан ташқари, мусобақа ҳам уюштирилган. Мусобақа шартларига кўра биринчи, иккинчи, учинчи ўринни олганларга турли хил мукофотлар берилади, рағбатлантирилади.

Бекобод ноҳияси партиясининг биринчи котиби, халқ депутатлари ноҳия Кенгаши раиси М. РАСУЛОВ, Бука район ижроия комитети раиси Р. САИДОВ ўртоқлар ҳам сўзга чиқиб, мазкур ноҳияларда ҳозирги кунда пахта йиғим-терими, шу жумладан, машина теримига тайёргарлик ишлари қандай бораётганлигини батафсил сўзлаб бердилар. Ўзларининг тажрибалари, маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, баъзи бир фойдали таклиф-мулоҳазаларни ўртага ташладилар.

Вилоят техника таъминоти ва таъмирлаш бошқармасининг бошлиғи Ҳожимқабар ХУСАНОВ машина теримига тайёргарлик ишлари қандайлигини сўзлаб берди. Мунимоларни биргаланиб ҳал қилайлик, деди у. Прицеплар етишмайди, шпиндель масаласи анча жиддий бўляпти. Биз қўлимиздан келган ёрдамни аямаймиз. Хўжалик раҳбарлари, мутахассислари ҳам мавжуд имкониятдан тўлиқ фойдаланиш учун ҳаракат қилишлари керак. Яқинда ҳар бир ноҳияда механик-ҳайдовчиларнинг кўрик-танлови ўтказилади. Ана шу иш ниҳоятда уюшқоқлик билан амалга оширилиши, механик-ҳайдовчиларнинг маҳоратига, тайёргарлигига ҳолисона баҳо бериш керак. Йиғим-терим пайтида далаларда 200-га яқин кўчма устахоналар ишлайди. Ёнлиги билан таъминлайдиган тармоқлар иш олиб боради. Уларнинг фаолиятини аниқ мақсадга йўналтириш муҳимдир.

— Бу йил бензин, керосин ва бошқа ёнлиги маҳсулотлари ниҳоятда камчи-

бўлиши кутилмоқда, — деди вилоят нефть маҳсулотлари таъминоти бошқармаси бошлиғи Б. ҚОДИРОВ. — Шунинг учун қатъий лимит бўйича бериладиган бу маҳсулотлардан тежамли фойдаланиш керак. Бу маҳсулотлар фақат йиғим-теримни уюшқоқлик ва ўз вақтида ўтказилишига хизмат қилсин. Бошқа мақсадларда фойдаланишига йўл қўймаймиз. Шунингдек, мойлаш материалларининг нархи ниҳоятда қиммат бўлиб кетганлигини ҳам унутмаслик керак.

Вилоят деҳқончилик саноат уюшмаси раиси Р. НУРМАТОВ ўз сўзида уруғчилик хўжаликларига сифатли уруғ тайёрлашни таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берди.

Йиғилишда вилоят партиясининг биринчи котиби, вилоят Кенгаши раиси С. Д. САИДАЛИЕВ сўзга чиқди. У мамлакатдаги сиёсий таҳликали вазият ҳақида қисқача ахборот берди.

— Ҳозирги пайтда бизнинг олдимизда турган энг муҳим ва биринчи даражали вазифа, — деди у, — халқнинг таъминоти ҳақида ўйлашдир. Ҳар бир хўжалик раҳбари ўзининг кундалик фаолиятида бу масалага алоҳида эътибор бериши керак. Қишлоқ аҳли учун қишнинг бемалол ўтказишларини кўзлаб қанча дон-дун, сабзавот ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари жамғариб қўйилмоқда? Бу ҳақида аниқ ва ишончли ҳисоб-китоб бўлиши шарт. Хўжалик раҳбарларининг бундан бунёнги фаолиятига биз ана шунга қараб баҳо берамиз ва бу соҳада белгиланган тадбирларнинг вақтида бекаму-кўст бажаришларини талаб этамиз. Демократик, аҳолининг, демакки, қишлоқ аҳли, деҳқонларнинг ўз тирикчилигини, таъминотини кўнгли тўқ бўлса, дала ишлари, шу жумладан, йиғим-терим ишлари ҳам ўз вақтида ва меъёрида уюшқоқлик билан амалга оширилади. Бизнинг ажойиб, меҳнатқаш халқимиз, деҳқонларимиз, пахтакорларимиз, чорвадорлару сабзавоткорларимиз бор. Қарсикки қўлдан деганларидек, биз уларга ҳамма шарт-шароитни яратиб берсак, улар ҳам куч-ғайратларини аямайдилар. Бу деган сўз йиғим-терим ишлари ўз вақтида ва уюшқоқлик билан амалга оширилади, демакдир. Биз буни унутмаслигимиз керак.

Йиғилишда вилоят ижроия комитети раиси Э. РЎЗИЕВ иштирок этди.

Н. РИХСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.



Адабиёт ва соҳибона



МУШОИРА—91

МУХТАРАМА Эгамберди кизи Ф. Энгельс номидаги Тошкент давлат чет тиллар муаллимлари билимгоҳининг француз тили куллиётини тамомлаган. Шеърлари жумҳуриятимиз рўзнома ва ойномаларида, жумладан, «Шарқ юлдузи» ҳамда «Ўзбекистон адабиёти

ва санъати»да босилган. Айни кунларда Мухтарам ва Санъати»да босилган. Айни кунларда Мухтарам ва Санъати»да босилган. Айни кунларда Мухтарам ва Санъати»да босилган.



ОНА ТИЛИМ

Она тилим — булоғим, зумрад кўзингни Ҳазрати Навоий қалам-ла очган. Бобораҳим Машраб тотган тузингни, Бобур, Фароғийлар сендан сув ичган. Онам алласида туйдим мен сени, Сут-ла танга кирдинг, ёйдинг ўқ илди. Жоним-ла чиқарсан танимдан менинг, Она тилим, кимман айт, ахир сенсиз?!

Гар сени йўқотсам, унутсам агар Нима қолар ўзи оламда буюк? Тилин унутганим — эли унутар, Кимни севиб, кимга бўлурман суюк? Онасин унутган ноқобил фарзанд Аввало жонанон элин унутар. Сўнг онгисиз манқуртга айланур абад, Ўзлгин унутар, тилин унутар. Тангрим, манқуртликдан сақла то жон бор, Қароғимда асрай меҳрин элимнинг. Бобом Навоийнинг руҳи бўлсин ёр, Бошимга тож айлай она тилимни.

КУТИШ

Мен Сизни зориқиб кутаман, Тўрғайлар ин қураб дилимга. Саодат сандирин титаман, Ҳазонлар илашар қўлимга. Мен Сизни зориқиб кутаман, Иўларга ботади нигоҳим. Ут тушган бир ёлғиз бутаман, Енаман, учаман... йўқ оҳим... Мен Сизни зориқиб кутаман,

Бешафқат ҳукмини ўқир ишқ. Оғуни шарбат деб ютаман, Жафодан минг бир тўр тўқир ишқ. Мен Сизни зориқиб кутаман, Сочимни ғам силар тун бўйи. Чангалзор тўшагим-бутаман, Бўзлайман, тутанмас ишқ куйи. Мен Сизни зориқиб кутаман, Оромим ўғирлар куртаклар. Оҳ, куйган юракни нетаман, Алдаса алдамчи эртақлар. Мен Сизни зориқиб кутаман...

ДУНЁ ЭКАН...

Дунё экан телба-тесқари, Суйган кўнгли этилар таҳқир. Чиллаёсин ўқир дард-парн, Қаҳ-қаҳ кулар нотанти тақдир. Ҳукмронлик қилмоқ истайди Евуз ҳоқон — зулмат... сийнам чон.

Ўзгир отин нур ҳам қистайди, Бош урмоқ чун юрагимга пок. Гоҳ бир ҳўллам меҳринга ташна Қаҳ букади яғриндор туйғум. Лойқаланар қалбдаги чашма, Кўзларимга ҳузун сочар кум. Сабрим қулфлаб япасқи уйга, Интиҳосин кутгум жафонинг. Нурпараст дил бутанга уйга, Суратини чизар вафонинг.

ҚЎШИҚ

Озори мўл ишқ бағри кенг, Не бахт, бу кун ёнимдасан. Жондан сени севгум дедим, Сенда менинг жонимдасан. Ҳижрон ўти дов-лов ёниб Бағрим кабоб этди, вале. Қалб кетмади сендан тониб, Покиза имонимдасан. Орсумнинг ол юзларидан

Офтоб ўлар, мушқлар сепар. Нур аримас кўзларимдан, Гуллаган бўстонидаман. Зоғлар қочар, доғлар қочар, Зорлар тилим айлайди тарк. Завқ шарори инжу сочар, Шеър ила достонидаман. Ғам пойида сўлмагай дил, Ҳамроҳ бўлмам нокастага. Мени чорлар нурли манзил, Жоним, шоним, ёнимдасан.

Мухтарам ЭГАМБЕРДИ кизи

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Мевасиз шох бошин кўтаради тик, Мевали шох боши саломга эгик. * * * Устод-муаллимсиз қолса гар замон, Нодонликдан қора бўларди жаҳон. * * * Баланд мансаб тепасида ҳам Илм оширмоқ фикрин қил ҳар дам. Мансаб билан баландмас одам, Мансаб одам билан мухтарам.

Абдурахмон ЖОМИН

Устод надардан илғор, Ундан ортиқ ҳақи бор. Падар ҳаёт беради, Устод нажот беради. * * * Илмингни амалдан айлама жудо, Илм-амал билан ишга раҳнамо, Илм агар амалга ёр бўлмас, Ундан кўзга ҳеч мадор бўлмас.

Қамолиддин БИНОИИ
Тўловчи: С. ДИЛМУРОДОВ

ДЎШШИ

ТЕХНИКУМ ётоқхонаси-га бирин-кетин беш нотаниш қиз қўнғироқ қилиб, йигитларни учрашувга таклиф қилишди. Кутилмаган бу хуш-хабардан оғзининг таноби қочган йигитлар бир-бирларига: «Қачон, қаерда учрашамиз, ахир қизлар билан илгари кўришмаган бўлсак, бир-биримизни қандай таниб оламиз?» деган саволларни ёғдиришарди. Қизлар эса ҳар қандай йигитнинг ҳам юрагини ларзага келтирадиган майин овоз билан: «Хиёбонда, соат ўн бирда. Эгингизда қора шим, оқ кўйлак ва бошингизда албатта дўппи бўлсин. Ана шу белгилардан биз сизларни таниб оламиз» деб жавоб қилишди.

Талабалар жуда динг қулоқ бўлмайди, бу гап бир зумда ётоқхонадаги барча ёшларнинг тилига тушмай қолмади. Ҳар ким учрашувга олдинроқ бориб, ўша қиз билан танишишга шошарди. Фақат учрашув шарт талабаларнинг қанот боғлаб учишга тўсқинлик қиларди. Қора шим, оқ кўйлак... булар топилади. Бироқ ҳаммада дўппи бўлавермайди-да! Курсдошларидан дўппи сўраб кўрганлар «Ўзим-чи?» деган жавобни эшитиб, орқасига қуруқ қайтишди. Бир зумда беш-олти талабанинг дўпписи дом-дараксиз йўқолди. Йигитлар дўппи излаб дўконида дўкун изғиб юришган бир пайтда паст курсдагилардан бири бозор ичидаги дўкунда қўл дўпписидан пастроқ бўлса ҳам, дўппи борлигини айтиб, ҳамманинг жонига оро кирди. Зум ўтмай, пастдаги кўримсиз дўкун олдида йигитлар турнакатор пайдо бўлишди. Бозор-ўчарга келган қари-қаранглар бу ерда қандай ноёб буюм сотиляпти экан, чойнак-пиёлами ёки «Днепр» музлатгичими, деб улар ҳам навбатга туришди.

Сотувчи қиз қўли-қўлига тегмай савдо қиляпти. Барча тезроқ дўппи олишга шошади. Олганлари эса худди биров тортиб олиб қўётгандек орқа-олдига қарамай, дўппини қўйнига тикадию автобусга юради. Навбатда турганлар сотувчи қизга: — Иккитадан сотманг, навбатсиз берманг, бу ерда ошна-оғайнигарчилик кетмайди, — деб дўқ ҳам қилишади. Бу гапларни эшитиб, нима сотилаётганидан хабар топган қари-қаранглар: «Худога шукур, ёшларимиз мусулмончиликка қайтишяпти» деб тарқалишди. Навбат ярмига етганда сотувчи қиз қўлини сочиққа артаётган дўппи тамом бўлганини айтди. Йигитлар бир зумда шов-шув кўтариб, бошқа дўкунга жўнаб қолишди.

Истараси иссиққина Комилжон деган йигит эса ҳеч қаерга жилмади. Таниши бўлса керак, аста сотувчи

қизга яқинлашиб: «Битта топиб бермасангиз бўлмайди», деб туриб олди. Сотувчи: «Яримта ҳам йўқ, бўлса сизга сотмай кимга сотаман?» деса, йигит: «Бирорта танишингиздан бўлса ҳам бир кунга олиб туринг, эртага қайтариб бераман», деб ялинди. Охири сотувчи қиз қараса, пештахта тагида сифатсиз ишланганидан туравериб ранги ўчиб кетган дўппи турибди. Комилжонга ўшани олиб берди... Сотувчи ташқарига югуриб кетаётган йигитнинг орқасидан, қотиб-қотиб кулиб қолди...

Хиёбондаги ўриндиқларда қора шим, оқ кўйлак кийган, бошларида дўпписи бор йигитлар қалдироқ болаларидек тизилиб ўтиришди. «Бу қанақаси бўлди, ёки алдашдимикан-а, шунча кишига ҳам ваъда берадимми? Йўқ, алдамайди, йигит танлаб, ҳеч мўлжалдагисини учратмаган бирор домуланинг фаришадек парирухсор қизи бўлса керак, шуларнинг ичидан чертиб чертиб танлаб оламан дегандир-да», кўнглидан ўтказди баъзилар. Бир қиз ўтиб қолгудек бўлса, кимнинг ёнига келаркин деб ҳамма ўшага қарайди. Шунда йигитларнинг кўзи рўпарадаги ўриндиқда ранги ўчиб, сарғайиб кетган дўппи кийиб ўтирган Комилжонга тушиши билан ўзларини кулгидан тўхташиша олмади. Наҳотки, қизи тушмагур дурустроқ дўппи топишга қудрати етмаган сени танласа? Йўғе, қизнинг ҳам диди бордир деб масҳара қилишди.

Бир вақт сажиз тепки атлас кўйлак, бошга зар дўппи кийган қиз пайдо бўлди. У атрофга жилмайиб назар ташлади. Лабларини қимтишидан ўзини кулгидан аранг тутиб турганлиги сезиларди. Қиз ҳақиқатдан ҳам ранги ўчиб кетган дўппи Комилжоннинг ёнига келиб ўтирди. Ҳамманинг кўзи унда. Йигит ҳайрон бўлиб, унга қараган эди, қиз:

— Кимни кутаясиз? — деб сўраб қолди.

Йигит бироз шоянқираб: — Ўзим танимайман, лекин бир қиз келиши керак эди, — деб жавоб берди.

Қиз қаҳ-қаҳ отиб кулди ва: — Ўртоқларингизга айтинг, — деди кулги аралаш, — имтиҳон пайтида қимматли вақтларини бекор кетказиб, кутиб ўтиришмасин. Учрашувга бошқа ҳеч қандай қиз келмайди. Сабаби, бир йилдан буён дўконида бир юз эллик дона дўппи чанг босиб сотилмай ётарди. Мана, план бу ойда оширилиб бажарилган бўлди...

Комилжон бошидаги дўппини қўлига олиб қизга қараб ағрайиб қолди...

Фотима ТУРАЕВА
Ғалаба ноҳияси.

• Катра •
ТҲЙДА

БИР қариндошнингга тўйга борган эдик. Ака-ука тўй эшигига яқинлашибмизу бирорта одам келинлар демайди. Кийимларимиз ҳам айтарлик эмас эди. Биз келган пайтда тўйга қандайдир тўралардан бири ташриф

буюрган экан. Унга мулозамат кўрсатиш учун бир-икки эмас, ўнга яқин одам овора. На келинойимиз ичкарига қиринлар дейди, на бошқа... Мен укамга ҳайрон бўлиб қарайман, укам менга. Қариндошлар орасидаги муносабатни қўриб турган

бир донишманд чол бизга: «Ўғилларим, замон зайли шунақа» дея қуйидаги шеърни ўқидилар:
Ким чопонни янги кийса, — Авлиёнинг ўғли шул. Ким чопонни эски

кийса, — Томни тешган ўғри шул. Давлатнинг бўлса агар, — Емон сўзинг қанду асал. Давлатнинг бўлмаса гар, — Яхши сўзинг от ҳуркигар.
Б. ТУРҒУНОВ
муаллим.

ТАШКЕНТ — БИЛИМЛАР КУНИ

жамғармасига
ундан ташқари
лар ўзлари тик-
лар, тайёрлаган
маҳсулотларини
ий манфаат кў-
ишга кели-
— дейди М.
мактабни ота-
ташкilot —
номидаги ўсим-
лимий текшириш

сан дарс ўтиш» вазифасини қўйишган эди. Шунга амал қилинган ҳолда фанлар бўйича синф хоналар махсус жиҳозланди. Физика, химия фанлари хоналари тўла механизациялаштирилди. Чет тили хоналарига эса лингафонлар ўрнатилди.

Бу йил мактаб жамоасининг ягона мақсади «олий интизом — олий билим»га эришиш.

бериш йўлга қўйилган. Бу ерда ўзбек тили ҳақидаги Қонун ҳам яхши бажарилди: Шпорлар, лавҳалар давлат тилида ёзилган.

Бир сўз билан айтганда, ўқувчиларга пухта билим ва тарбия бериш учун барча шарт-шароит муҳайё. Директор ишнинг кўзини билдирганлардан. Кўп йиллардан бери жон куйдириб меҳнат қилаётган, лекин хизматларини ҳеч ким эътиборга олмай келаётган айрим ўқитувчиларни рағбатлантиришга ҳам алоҳида эътибор берди. Шу мактабда 34 йилдан бери география фанидан дарс бериш билан бирга ҳар йили ўқувчиларни вилоят олимпиадасига тайёрлаб, яхши натижаларни қўлга киритиб келаётган Сидиқ Муродовга «Методист ўқитувчи» унвони берилди. Яна икки нафари «Катта ўқитувчи» унвонини олишди.

— Ўқитувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириб туриш, — дейди М. Пирматова, — уларнинг кўнглини кўтаради. Бу билан эса иш самараси ортади.

Маъсуда Пирматова ҳақ. Инсон қадр-қимматга эга эканлигини сезса янада кўпроқ куч, ғайрат билан ишлайверади, фидойилик кўрсатади. Директор эса иш юритишда аниқ шу илҳомлантирувчи омилга суянади. Бу ўр. анса арзийдиган яхши фазилатдир.

Р. УСМОНОВА.



МАКТАБ 60 ЁШДА

Бўстонлик райондаги Ҳамид Олимжон номи 12-ўрта мактаб очилганига янги ўқув йили арафасида 60 йил тўлди. Утган вақт мобайнида ўқув даргоҳини битирган юзлаб ўқувчилар орасидан малакали мутахассислар, олимлар, ишчи-хизматчилар, дондор меҳнаткашлар етишиб чиқди.

Ҳозирги пайтда 90 нафар муаллим ёш авлодга таълим-тарбия бермоқда. Ўқитувчилар орасида шу мактабни тугатганлар талайгина.

М. СОАТОВА.

ҚИЗИҚИШИГА ҚАРАБ

Калинин райондаги Нодира номи 15-ўрта мактабда ўтган йилдан бошлаб ўқувчиларни қизиқишларига қараб ўқитиш йўлга қўйилди. Уларнинг қайси фанга иштиёқмандликлари эса 5-синфдан бошлаб билиб олинади. Мактабда ўқувчилар аниқ фанлар, гуманитар ва умумий билимлар бўйича йўналишларда таълим олаётирлар.

Ҳунарга қизиқанлар учун ҳам шароит яратиб берилган. Бундай болалар Тошкент шаҳар ҳунар-техника билим юртиларидан бирида сувоқчилик, бўёқчилик каби турли касбларни эгаллайдилар.

Ж. АРСЛОНОВА.

Урта Осие фи-
алоқани мус-
Улар ёрдами-
мевали дарахт,
кўчатини эк-
дастлабни ҳо-
мактабдаги иш-
р қисми, албат-
сийси эса ўқув-
билим ва тар-
Бу борада ҳам
жамоаси жон-
тор бошчилиги-
ишларни амал-
ди. Утган ўқув-
ўз олдига
талабларга асо-

МИЗИНИНГ Ки-
даги 239-мактаб
Навоий дарс-
дай ўтказиш ҳа-
б олишди. Синф
Муҳайё Ибро-
лида Комилова,
ишрова, Муборак
Саода, Ахоро-

ҲИҚМАТЛАР ЎРГАНИЛАДИ

ва, Карима Аширова, Муҳаббат Абдуллаевалар бу мавзу бўйича дарс режа-

ларини тузиб қўйдилар. Муаллимлар асосан Навоийнинг иборатли, ҳиқматли сўзларидан, «Ҳотамтоғ» ҳикоятидан, «Ҳайрат ул-абдор» асарларидан фойдаланадилар.

С. СУЛТОНОВ.

● БУ ШОДОН чехралардаги табассумнинг ўзига хос мазмуни бор. Каникул пайтида ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам қадрдон мактабларини соғиниб қолишган. Тошкентдаги 49-ўрта мактаб муаллимлари ва ўқувчиларида бу кайфият шундоққина сезилиб турибди; пойтахтдаги 102-ўрта мактаб ўқувчилари эса биринчи дарслари буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийга бағишланганлигидан беҳад мамнунлар.

Суратқаш В. ТУРАЕВ.


тўғри тарбия-
чуқур билим
жамиятимизнинг
арзандлари қи-
лаш давр тала-
орада бизнинг
м талайгина иш-
оширилди. 25
нафар ўқувчини
а олган 55 та
210 нафар ўқи-
лодга билим бе-
ойинлик кўрсат-
орасида юздан
стон ССР, тўрт
халқ маорифи
бор.
қув йилига ало-
лик кўрдик.
моддий-техника
мустаҳкамлашга
ибор бердик.
таълимга аж-
благга ҳар йи-
уроллари, ке-
а жиҳозлар со-
Мактабларни

ҳозирги замон техникаси асослари билан қуроллантириш мақсадида 1 миллион 400 минг сўмлик компьютерлар харид қилинди ва 24 та мактабга жойлаштирилди. Компьютерлардан тўғри фойдаланиш мақсадида физика, математика ҳамда бошланғич синф ўқитувчилари махсус курсларда ўқиб келишди.

Район ижроия комитети мактабларга катта ғамхўрлик кўрсатмоқда. Маҳаллий бюджет ҳисобидан 9 та мактабда ошхоналар қурилаётган эди. Шулардан бештаси ишга туширилди. Қолганлари ҳам тез орада ўқувчиларга хизмат кўрсата бошлайди.

Бизга хўжалик ташкилотлари ҳам катта ёрдам бермоқда. Назарали Ниезов номи жамоа хўжалиги (райси Қ. Қоражонов) учта мак-

табни таъмирлаш учун 6 минг сўм пул ажратди. Х. Турсунқулов номи жамоа хўжалиги эса 33-мактаб ёнига қўшимча синф хона-



лари қуриб берди. «Партия ХХI съезди» жамоа хўжалиги 50-мактаб водопроводини тузатиб, сув киритди. Тимирязев номи шўро хўжалиги 50-мактабни тўла таъмирлаб, энди 844 ўринли мактаб лойиҳа-

ҳужжатларини ҳозирлапти. «Коммунизм» жамоа хўжалиги (райси М. Исмаилов) 25-мактабга минг дона шифер бериш билан бирга

мактабни газлаштиришга катта ҳисса қўшди. Районимизда Президент Фармони яхши бажарилди. Ўқитувчилар маоши оширилди. Ариза берганларнинг барчаси ер билан таъминланди.

Демак, шарт-шароит яхши бўлгач, ўқувчиларни тўғри тарбиялаш, уларга самарали билим бериш керак, албатта.

Бу борада ишни мактабларда ўзбек тилига бўлган эътиборни кучайтиришдан бошладик. Барча ҳужжатлар ўзбекчалаштирилди. 400 дан ортиқ ўқитувчи ўз малакасини оширди. Фанлар бўйича муаллимларнинг илғор тажрибалари ўрганилди. Ўқувчиларнинг фанларга бўлган қизиқишларини ошириш ва шу фанлар бўйича билимларини синаш мақсадида фан ойлари ўтказилди.

1991—1992 ўқув йилидан бошлаб эса ҳар бир мактабда хўжалик ишларини ташкил этиш учун ер участкалари ажратилади. Ўз-ўзини бошқаришга ўтиш ривожлантирилади. Шароити мавжуд жойларда оталиқ ташкилотлари ёрдами-

да мактаблар кооперативлари ташкил этилади.

